



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 30-iyul. Payshanba • 88 (31.991)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 июль куни Оқсаройда «Isuzu Motors Ltd.» компанияси раиси Сусуми Хосоини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасида турли соҳаларда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади. Япониянинг юқори технологияли етакчи компаниялари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари изчил кенгайтириш бормоқда.

Тошкентда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «Isuzu Motors Ltd.» ўртасида Япониянинг ушбу компанияси «СамАвто» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари таркибига кириши тўғрисида битим имзоланди.

Мазкур битим «Ўзавтосаноат» ва «Isuzu Motors Ltd.» компаниялари ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликнинг мантикий давомидир.

Томонлар «СамАвто» масъулияти чекланган жамиятини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, ишлаб чиқарилаётган машиналар турини янгилаш ва кўпайтириш, маҳаллийлаштириш қўламини кенгайтириш, Япониянинг илғор ишлаб чиқариш технологияларини янада кенг жорий этишга келишиб олди.

«Ўзавтосаноат» ва «Isuzu Motors Ltd.» ўртасидаги ҳамкорлик 2007 йилда йўлга қўйилган. Япониянинг мазкур компанияси ўша йили «СамАвто» масъулияти чекланган жамиятининг технологик шериги сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автобуслар, ўрта оғирликдаги юк машиналари ва бошқа техникалар учун шасси ва двигателлар етказиб беришни бошлади. Утган вақт давомида «Isuzu Motors Ltd.» агрегатлари базасида 10,2 минг автобус ва 11,5 минг юк машиналари, жумладан, 2014 йилда 1,2 минг автобус ва 2,6 минг юк машинаси ишлаб чиқарилди. Табиий газда ишлайдиган юк машиналарининг янги моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим босқичини ташкил этди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ва ўзаро манфаатли бошқа масалалар муҳокама этилди.

Ў.А.



Ватанни севмоқ, унга сидқидилдан хизмат қилмоқ

ҳам фарзандлик, ҳам фуқаролик бурчимиздир

Бундан йигирма тўрт йил аввал халқимиз асрлар давомида орзу қилган, қалбида асраб-авайлаб келаётган буюк истак амалга ошди. Ватанимиз, халқимиз мустақил бўлди. Истиқлол замирида ота-боболаримизнинг эркак бетиним интилиши, гоҳ ошқора, гоҳ яширин курашлари, жасоратлари ётади, десак, тўғри бўлади.

Узоқ йиллик ўтмишимизга назар солсак, юртдошларимизнинг озодликка қандай катта куч ва ҳаракат билан интилганига, бу йўлдаги тўсиқларни енгишга жонжаҳди билан курашганига гувоҳ бўламиз.

Истиқлол ҳар бир миллат, ҳар бир халқ учун буюк неъмат, олий саодатдир. Шунинг учун ҳар йили

Президентимизнинг тегишли қарориди энг улуг, энг азиз байрамни тантанали равишда, кўтаринчилик билан муносиб нишонлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигида Давлатимиз

раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида, Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар мавзусида давра суҳбати ўтказилди. «Бетақоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида бўлиб ўтган тadbирда партия Марказий Кенгаши масъуллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгаши

лари ходимлари ва фаоллар иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Комилов қарор ижросини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари, ижтимоий институтлар, жумладан, сиёсий партиялар, қолаверса, ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП ҳам тарғибот ишларини янада жонлантириш бўйича тadbирлар режаси ишлаб чиқарилгани қайд этилди.

➤ Давоми 2-бетда.

Эътироф

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг иштирокчилари сони йилдан-йилга кўпаяётгани унинг тобора оммавийлашиб бораётганидан далолат беради. Менимча, бундай фестивални ўтказиш учун Ипак йўлида жойлашган қўҳна ва навқирон Самарқанддан бошқа муносиб жой йўқ.

Инсоният эришган муваффақиятларга назар ташлар эканмиз, Европа тарихи Шарқ халқлари, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди билан узвий боғлиқ эканлигини кўрамиз. Шу ўринда ўзбек замининда туғилган ва ижод қилган Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал Хоразмий, Беруний, Бобур каби кўплаб буюк мутафаккирлардан қолган илмий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги ноёб меросни ёдга олишнинг ўзи кифоядир.

Герхард Биркл,
Silk Road Company
ижтимоий-маданий
компанияси директори
(ГФР)

Бир саволга икки жавоб

Муножот РАЖАБОВА,

Сирдарё вилоятидан:

Сиёсий партиялар нашрларини мунтазам кузатиб боришга ҳаракат қиламан. Уларда депутатлар, партия гуруҳлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳақида кенгрок тушунча берсангиз. Депутатларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги кучайиши кўпроқ қайси омишларга боғлиқ?



Зоя АН,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар
Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи
аъзоси:



Сотиболди
БОБОҚУЛОВ,
юридик фанлари
доктори,
профессор:

— Албатта, қонунчилигимизда депутатларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўлиқ акс эттирилган. Депутатлар фаоллиги ва ташаббускорлигини оширувчи энг муҳим омишлардан бири ана шу ҳуқуқлардан самарали фойдаланишдир. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунга кўра, депутат тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича хал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади. Шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгашининг доимий ҳамда муваққат комиссияларига сайлаш ва сайланишга, Кенгаш мажлисида

кўриб чиқиши учун масалалар кўрсатишга, муҳокама қилинаётган масала юзасидан таклиф киритиш, мулоҳаза билдиришга ҳақли.

Депутат халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайланган, тайинланган ёки тасдиқланган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдириш, мажлис мунозараларида иштирок этиш, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар бериши мумкин. Шунингдек, депутатларимиз бугунги кунда депутат сўровидан кенг фойдаланишмоқда. Бу ҳуқуқ ҳам қонунда кафолатланган ва шу асосда сўровлар юборилиши, улар ўрганилиб, сессияларга масалалар кириляпти.

— Тўғри, бугун депутатларимизнинг аксарияти ташаббускорлик ва фаоллик билан иш олиб боришяпти. Афсуски, ўзига билдирилган юксак ишонч, масъулиятни тўлиқ ҳис қилмаётган депутатлар ҳам йўқ эмас.

Бунинг сабабларидан бири жойлардаги партия гуруҳларининг уюшқоқлик билан, бир ёқадан бош чиқариб, иш ташкил қила олмаётганида, деб ўйлайман. Аслида партия гуруҳларининг эркин фаолият олиб бориши, одамларни ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиши ҳамда уларга ечим топиши учун ҳуқуқий жиҳатдан чекловлар йўқ.

Бирор-бир сўровни юбориш, унинг хал этилишини таъминлашда айрим тушунмовчилик, англашилмовчиликлар учраб турибди. Лекин ўз ҳуқуқини яхши билган, зиммасидаги вазифасига масъулият билан ёндашган депутат, албатта, натижага эришади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА

ОДАМ САВДОСИ — ЭНГ МУДҲИШ ЖИНОЯТ

Бугун дунё халқларини ташвишга солаётган муаммолардан энг оғири, шубҳасиз, инсон ҳаёти ва қадр-қимматини топташ, уни савдога қўйиш. БМТ маълумотида кўра, ҳар йили Ер юзиди тахминан 3 миллионга яқин киши бу мудҳиш иллатнинг қурбонига айланади. Ундан жабр чекканларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ва Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Одам савдосига қарши курашишда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашга доир долзарб масалаларга бағишланди.

Тadbирда Ўзбекистон ХДП Марказий

Кенгаши масъуллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этди.

Давра суҳбатида одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда олиб борилаётган ишлар, ушбу масалага оид ҳуқуқий асослар хусусида фикр алмашилди. Бу жиноятнинг илдизи, уни бартараф этиш йўллари, ёшларнинг ундан бохабарлиги, оғоҳлигини таъминлаш ва кучайтириш усуллари ҳақида асосли далиллар, мулоҳазалар ўртага ташланди.

➤ Давоми 2-бетда.

БАНДЛИК

Ёшлар ишга жойлашмоқда

Денов туман ҳокимлиги, прокуратураси, ЎзХДП туман кенгаши, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил қилинди.

Ярмаркада хунарамандчилик, касаначилик ва қўл меҳнати маҳсулотлари намойиш этилди. Иштирокчиларга бўш иш жойлари тўғрисида

маълумотлар берилди. Корхоналардаги қулайликлар ҳақида яқиндан танишиш имкониятлари яратилди. 20 нафар йигит-қиз шу куннинг ўзида ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди.

— Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш долзарб масаладир, — дейди Денов туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази

директори, ЎзХДП аъзоси Мирзоумар Хайруллаев. — Жорий йилда ҳудудда 6 минг 401 иш ўрни ташкил қилиш кўзда тутилган. Бугунча 3 минг 300 нафарга яқин киши муҳим иш жойига эга бўлгани қувонарли. Уларнинг асосий қисми ёшлар ва хотин-қизлардир.

— Бу йил мен учун қувончларга бой бўлди, — дейди Улуғбек Бахтиёров. — Яқинда Денов қурилиш ва транс-

порт касб-хунара коллежини тугаллаган бўлсам, бугун «Баҳодир Менгнийезов» ихтисослаштирилган таъмирлаш қурилиш корхонасига ишга қабул қилиндим. Бир гуруҳ тенгдошларим қатори коллеждан корхонага йўл олаётганимдан хурсандман. Tadbир ташкилотчиларига раҳмат.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Халқаро меҳнат ташкилотининг 138 ва 182-сонли конвенциялари бажарилиши тўғрисида ахборот берди



ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши:

тажриба, таҳлил, мулоҳаза

■ БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ватанни севмоқ, унга сидқидилдан хизмат қилмоқ

ҳам фарзандлик, ҳам фуқаролик бурчимиздир

Партия тизимида тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини таъминлаш, демократик янги-ланишлар моҳиятини аҳолига атрафлича тушунтириш, эл орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор кишилар, кўпни кўрган нуруний кексалар, олимлар ва тажрибали партия фаоллари иштирокида турли учрашувлар ташкил этиш, шу орқали мустақилликнинг ҳар бир инсон учун олий бахт, уни асраб-авайлаш фарзандлик ва фуқаролик бурчи эканини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатидида сўзга чиққанлар истиқлол йилларида эришилган ютуқлар замирида халқимизнинг ўзаро бир-дамлиги, фидокорона меҳнати ётгани, халқаролик миссияда эътироф этилаётган ютуқ ва марралар осонлик билан қўлга киритилмаганини айтиб ўтишди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, янги-ланиш ва демократик жараёнлар халқимиз ҳаёти ва турмуш фаровонлигини оқсатиришга хизмат қилаётгани фахр-ифтихор билан тилга олинди.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳар бир давлатнинг ўз миллий байрамлари, муҳим тарихий саналари бўлади. Мустақиллик уларнинг ичида энг асосий ва муҳим байрам саналади. Чунки бу айём бутун халқнинг тақдирини, юртининг бугунини, эртасини, келажак билан боғлиқ. Шунинг билан биз шундай бахтга эришдик. Тарих олдига жуда кичик бўлган 24 йил ичида мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Биз, депутатлар, партия фаоллари ва сиёсатчилар бу ютуқларни қўлга киритиш осонлигига бўлмаганини, «кеча

Давом. Бошланғич 1-бетда.

ким эдигу бугун ким бўлди?», деган саволнинг мазмун-моҳиятини халқимизга, электоратимизга ҳаёт ҳақиқатларига асосланиб, содда тилда тушунтириб, мазмунини очиб беришимиз керак.

Қарорда келтирилганидек, Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустабид тузумнинг маъмурий буйруқбозлик тизимидан, бир ёклама ривожланган ночор иқтисодиётдан, бутунлай воз кечиш, машҳур беш тамойилга асосланган ўз тараққиёт йўлини қатъий танлаб олгани ва дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ушбу ривожланиш стратегиясининг реал натижаларини бугун халқимиз ўз кўзи билан кўриб, юракдан ҳис қилиб турибди.

Қарорда таъкидланганидек, 1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти, аввало, дон, картошка, гўшт, суг ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж импорти ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Мустақиллик йиллари аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3, суг ва суг маҳсулотлари 1,6, картошка 1,7, сабзавот 2, мева қарийб 4 баробардан ошгани халқимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг ёрқин исботидир. Бундай улкан натижалар ҳақидаги факт ва рақамларни истаган соҳа мисолида келтириш мумкин.

Муҳаммад РАҲМАТУЛЛАЕВА, Шайхонтоҳур туманидаги 44-ойливи поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Собиқ тузум даврини, айниқса, 70-80 йилларда бўлган воқеаларни яхши эсламан. Ўша вақтларда бемор одамни даволаш у ёқда турсин, тўғри ташхис қўйиш ҳам катта муаммо эди. Бугун қайси тиббий максади бор-манг, у ерда замонавий ташхис қўйиш ва даволаш усуллари ўрнатилгани, малакали ши-



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

фокорлар халқимизга хизмат қилаётганини кўрасиз. Бугунги кунда қишлоқ жойларда, айниқса, чекка туманларда яшаётган 15 миллиондан зиёд аҳоли ҳам малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконига эга.

Яна бир гап. Истиқлол йилларида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тизимда қўламли кенг ислохотлар олиб борилди ва скрининг марказлари, вилоят кўптармакли болалар шифохоналари, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт муассасалари жаҳон андозалари даражасида қурилди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Ана шундай амалий ишлар натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишда туғма нуқсонлари бўлган болалар сони **1,3** баробар, 6-15 ёшли болалар орасида ўтир юқли касалликлар билан оғриш **34,4** фоизга, пневмонияга чалиниш **49,7** фоизга, бронхит билан хасталаниш **32,8** фоизга, сколиоз билан касалланиш эса **32,7** фоизга камайди.

Болалар саломатлигини асраш мақсадида ўтган йилнинг ўзида 6 миллион 500

минг нафардан ортқ мактаб-гача таълим муассасаси тарбияланувчилари, мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу эса касалликларни эрта аниқлаш ва уларни самарали даволаш имконини бермоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нуршод РАМАЗОНОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Истиқлол бизга нима берди, деган саволга ҳар биримиз ўз ҳаётимизда эришадиган ютуқлар, очиб берилган имкониятлардан келиб чиқиб, жавоб излашимиз керак. Биргина таълим соҳасида жуда катта ишлар олиб борилганига биз, ёшлар гувоҳимиз. Масалан, бугунги кунда ёшларнинг замонавий билим олишлари учун Ўзбекистонда **59** олий ўқув юрти, Европа ва Осиёнинг нуфузли олий ўқув юртининг филиаллари фаолият юритмоқда. Пойтахтимизда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер, И.Губин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италия-

нинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Жанубий Кореянинг Инха университети каби Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизнинг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжлари асосида янги замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш ишлари бошлангани ҳам эътиборга сазовордир. Юртимиз ва хориждаги ўқув масканларида юзлаб иқтидорли ёшлар таълим олмақда, ўз малакасини оширмоқда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халқаро ташкилотлар, чет эллик таниқли эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўплаб симпозиумлар, конференция ва семинарлар ўтказилмоқда. Бу ҳам мустақиллигимиз шарофатидандир ва, албатта, ёшларимизнинг

баркамол авлод бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда...

Гулҳаё МАЪРУФОВА, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Мустақиллик, аввало, ҳуқуқ, инсоннинг қонуний манфаатлари таъминланишининг бош омилidir.

Ҳар йили Президентимизнинг давлат мустақиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарориди эълон қилинадиган шиорлар мени жуда қувонтиради. Бу шиорлар юрак-юрагимизга сингиб кетган. **«Бетакроримсан, ягонасан, она ватаним — Ўзбекистони!»**. Бу сўзларнинг ҳар бирини чуқур ҳис этиб, алоҳида таҳлил қилиш мумкин. Юртга нисбатан «бетакроримсан» дейишнинг ўзи ҳар қандай кўнгилни завққа тўлдиради. Шулар ҳақида ўйлаб, бир кун ҳам рўшнолик кўрмай яшаётган давлатлар, у ерлардаги тенгдошларимиз, болалар ҳақида ўйлаб қоламан.

Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, жаҳон сахнида зиддиятларнинг кучайиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Шундай фурсатларда ёшларимизда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимиз тинчлигини асраш, уларда дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга эътибор қаратилаётгани замирида улғу мақсад муҳассам, деб ўйлайман.

Давра суҳбатидида Президентимиз қарорининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, жойларда ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш бўйича тавсиялар берилди, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бобур ЭЛМУРОВОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

■ Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёлғиз кекса ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, озиқ-овқат ва дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Партия гуруҳи қарор ижросини ўрганди

Яқинда Ўзбекистон ХДП гуруҳи ташаббуси билан мазкур қарор ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар бўстонлик туман Кенгашидаги Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқилди. Унда масъул идора ва ташкилотларнинг ахборотлари тингланди.

— Мамлакатимизда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — деди **халқ депутатлари Бўстонлик туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Абдукарим Абдухалилов**. — Партияимизнинг Сайловолди дастурида ҳам ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, шу жумладан, пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари илгари сурилган. Шу боис партия гуруҳимиз томонидан тумандаги ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш дастурлари бажарилиши юзасидан назорат-таҳлил ишлари амалга оширилмоқда.

— Қарорда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг турларини кенгайтириш белгиланган, — деди **туман Бандликка қўмақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Акмал Иноғомов**. — Бугунги кунда туманда 38 нафар давлат қарамондаги якка ёлғиз, 93 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионер рўйхатга олинган. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида туман Бандликка қўмақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан 20 нафар ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар бириктирилган. 38 нафар якка ёлғиз кекса давлат томонидан 8 хил турдаги озиқ-овқат ҳамда кир ювиш воситаси билан таъминланиб келинапти.

— Қарорга мувофиқ туманда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди **туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Тоир Тиялов**. — Шунингдек, аниқ манзилли даволаш ва соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, якка ёлғиз, қаровечиси йўқ кексаларнинг соғлигини тиклаш мақсадида ўтган йили амбулатория шараитида 98 нафар, стационар шараитида 16 нафар, уй шараитида 46 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар даволанган.

— 2011-2014 йилларда 32 нафар ёлғиз кекса, уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари санаторияларда дам олиб саломатликларини тиклашди, — деди **туман «Нуроний» жағғармаси раиси Матвусул Юсуббеков**. — Ушбу хайрли ишлар қўламини кенгайтириш мақсадида тумандаги «Товоқсой» сыхатгоҳининг янги даволаниш биноси ишга туширилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Шунингдек, тумандаги ёлғиз кекса ва пенсионерлар, ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар қўмағида фахрийларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинапти.

Доимий комиссия йиғилишида партия гуруҳи томонидан ўрганишлар жараёнида қарор ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларда йўл қўйилаётган камчиликлар борлиги қайд этилди. Хусусан, рўйхатга олинган ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларга давлат томонидан ажратилган озиқ-овқат маҳсулотлари, кир ювиш воситалари, дори-дармонлар баъзида ўз вақтида етказиб берилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Берилган ахборотлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар, тақлифлар асосида доимий комиссия кун тартибидидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиди. Унда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари қўзда тутилди.

Бобур ЎТКИРОВ

Меҳрож ДАРХОНОВ

■ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

«Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз»

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, улардаги иқидий муҳитни рағбатлантириш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижкорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш бўйича танлов ўтказган эди. Унда бир қатор оммавий ахборот воситалари қаторида «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти ҳам «Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз» номли лойиҳаси билан иштирок этганди. Мазкур лойиҳа давлат ижтимоий буюртмаси сифатида молиялаштирилди.

Кўни кеча газета тахририяти лойиҳа тақдиротида бағишланган матбуот анжуманини ўтказди. Унда лойиҳанинг мақсад-вазифалари, амалга ошириш механизмлари, қўллаётган натижалар ҳақида атрафлича сўз юритилди.

Таъкидландики, лойиҳа асосида кексаларга ғамхўрлик қўрсатишга чорловчи тарғибот-ташвиқот ишларини янада қўлайитириш кўзда тутилган. — «Кексаларни ёъзозлаш йили» Давлат дастури ижросида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик намуналарини газета саҳифаларида кенг ёритиш лойиҳанинг асосий вазифаларидан саналади, — деди **«Жамият» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Қасрамон Сайдалиев**. — Шу мақсадда газетамиз саҳифаларида «Кексаларимиз — бебаҳо бойлигимиз» деб номланган махсус саҳифа ташкил этилди, шу номда иқидий танлов ҳам эълон қилинди. Лойиҳа 2016 йилнинг 1 июлига қадар амалга оширилади. Танлов ғолиблари 2016 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни арафасида эълон қилинади.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Гулрух ОДАШБЕКОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



■ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХОНҚА ТУМАНИДА БЎЛИБ ЎТГАН СЕМИНАР ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОҚЎМИНИНГ 2015 ЙИЛ 15 ИЮЛДАГИ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ НАТИЖАЛАРИ ВА КЕЛГУСИДА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ.



■ САМАРҚАНД ТУМАНИДАГИ «ОҚМАЧИТ» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТимоий Қўллаб-қувватлаш Маркази» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ПЕНСИЯ, КОММУНАЛ ТЎЛОВ, БАНДЛИК МАСАЛАСИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН АЙРИМ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР АТРОФЛИЧА ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ.

РЕГИСТОН — ОРЗУЛАР УШАЛАДИГАН МАЙДОН

■ «Шарқ тароналари» X халқаро муסיқа фестивалини ҳар томонлама муносиб ўтказиш мақсадида Самарқандда тайёргарлик ишлари юқори савияда давом этмоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур фестивал бу йил ўн иккинчи бор ўтказилмоқда, — дейди «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали ижрочи директори Тўрабек Махмудов. — Унда 100 га яқин давлат вакиллари иштирок этиш истагини билдириб мурожаат қилди. Махсус комиссия тақлифларни кўриб чиқди. Айни пайтда 64 давлатдан меҳмонлар келиши кутилмоқда. Улардан 7 давлат вакиллари биринчи марта қатнашади. Булар Маврики, Бутан, Коста-Рика, Мали, Перу, Эквадор ва Комор оропларида келадиган санъаткорлардир.

Ўзбекистон номидан фестивалда қатнашиш истагини билган санъаткорларимиз жуда кўп. Шу кунларда Тошкент давлат консерваториясида уларни саралаш жараёни давом этмоқда.

Фестиваль ҳайъат аъзолари таллаб бўлиди. 11 кишидан иборат ҳайъат аъзоси орасида Ўзбекистондан икки вакил бўлиши режалаштирилган. Булар — Отаназар Матқубов ва Муножот Йўлчиевалардир. Фестиваль иштирокчилари «Афросиёб», расмий шахслар ва фахрий меҳмонлар эса «Регистон плаза» меҳмонхонасида жойлашади.

— Фестиваль доирасида илмий-назарий анжуман ўтказилиши аъён бўлиб кетди, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, профессор, «Шарқ тароналари» X халқаро муסיқа фестивали доирасида бўлиб ўтадиган илмий анжуман раҳбари Рустам Абдуллаев. — Шу пайтгача ўтказилган конференцияларнинг униси маҳкамчиликлари билан ташкил этилган мазкур фестивалнинг кенгайтирилган тарихий Регистон майдони янада чирой очди. Сўғдиёна паркида 800 ўринли амфитеатр қурилди. Шаҳардаги барча йўллар раво, атрофи кўчаларини янада кўчалаштирилган.

Ободонлаштириш ишлари қизғин оlib борилмоқда. Ўтган олти ойда шаҳардаги майдонлар ва кўчаларнинг чет қисмига 23 минг туп манзарали дарахт ўтказилди, янги гулзорлар барпо этилди. Регистон майдонида амфитеатр ташкил этилди. Тарихий Регистон майдони янада чирой очди. Сўғдиёна паркида 800 ўринли амфитеатр қурилди. Шаҳардаги барча йўллар раво, атрофи кўчаларини янада кўчалаштирилган.

Фестиваль бўлиб ўтадиган сахна майдони бу йил янада кенгайтирилди. Сахна майдонини ёритиш ишлари ҳам умуман бошқача бўлиши режалаштирилмоқда. Хуллас, фестивалнинг ҳар жиҳатдан юқори савияда ўтказилиши таъминлаш учун барча ташкилий ишлар қилинмоқда.

— Фестиваль ўтказила бошланган биринчи кунларданок ЮНЕСКО «Шарқ тароналари»ни шафелика олган, — дейди ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов. — Бунинг сабаби, фестивал фойдалари умуминсоний ҳолатига, ЮНЕСКО ҳолатига мос келади. 1997 йилдан буён ташкилотнинг раҳбарлари, вакиллари доимий равишда халқаро фестивалда иштирок этиб келмоқда. ЮНЕСКО фестивал ўтказилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Диана ПИРАГС, «Шарқ тароналари» VIII халқаро муסיқа фестивали иштирокчиси, Латвия: — «Шарқ тароналари» дунё муסיқаси янграйдиган, нуфузи баланд фестивалдир. Фестиваль ўтказиладиган жой жуда яхши танланган. Самарқанднинг Регистон майдонида кўшк қўйлаш ҳудуди орзулар ушалашига ўхшади. Ўша лаҳзалар қалбимда бир умрга



муҳрлаб қолди. Ўзбекистон — дўстлик, тинчлик, меҳр-оқибат мамлакати. Муסיқа санъати улуғланаётган мамлакат. Муסיқа санъати улуғланаётган мамлакат.

Триниу ТАУЛ, «Шарқ тароналари» VIII халқаро муסיқа фестивали совиндори, Эстония:

— «Шарқ тароналари» фестивали биз учун катта тажриба мактаби бўлди. Бу ердаги иштирок мендаги шижоатни оширди. Самарқандда ўзимизнинг миллий куй-қўшиқларимизни тақдим этдим. Бу — ҳар қандай миллият вакили учун ўта муҳим воқеа. Сиз бундай ҳолатда халқингиз маданияти ва санъатидаги энг яхши жиҳатларни кўрсатишга интиласиз. Мени қўлиблар қаторида эълон қилишганида дастлаб ҳайратимни яшира олмадим. Дунёнинг кучли санъаткорлари ичида мукофотлашиш фахр, албатта.

Дэвид ХЕРБЕРТ, муסיқашунос олим, Норвегия: — «Шарқ тароналари»

фестивали менинг илмий фаолиятимда муҳим ўрин тутди. Ушбу фестивал мисолида яна бир бор амин бўлдимки, муסיқа халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Мен ўзбек олимлари томонидан олиб борилаётган илмий ишларни мунтазам кузатиб бораман. Улар аъён бўлиб кетдики, музиқанинг ўзига хос жиҳатлари, жаҳон санъатида тутган ўрни ҳақида батафсил маълумотга эга. Ўзбек музиқашуносларининг бахти шундаки, улар «Шарқ тароналари» фестивали доирасида ўтказилаётган халқаро конференцияда дунё олимлари, халқаро экспертларнинг маърузаларини, фикрларини тинглашапти, ўз мулоҳазаларини билдиришапти. Натижада бу борада юксалиш кўзга ташланмоқда. Самарқанд узра нафақат жаҳон музиқаси таралмоқда, балки дунё халқларининг бебаҳо маънавий меросини сақлаш,

тарғиб қилиш, бутун инсоният мулкига айлантириш борасида тенгсиз ишлар қилинмоқда...

Дарҳақиқат, «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали халқлар ўртасида дўстликни, тинчликни тарғиб қиладиган санъат анжуманидир. Президентимиз бу ҳақда шундай деган: «Шарқ тароналари» фестивалининг ўз олдига қўйган гоа ва максадларини қисқача ифода қиладиган бўлсак, улар авваламбор музиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларни музиқа орқали тараннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакиллари ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган билан, айниқса, эътиборлидир.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Корея Республикасида таэквондониинг WTF йўналиши бўйича Корея очик чемпионати ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган мазкур нуфузли турнирда вакилларимиз тўлиқ таркиб билан иштирок этган ҳолда, 19 олтин, 16 кумуш ва 10 бронза медалига сазовор бўлди. Мазкур натижа умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашимизни таъминлади.

ТАЭКВОНДО-ЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Корея очик чемпионатида дунёнинг 72 давлатидан келган 2236 нафар спортчи иштирок этди. Бу турнир катталар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилди. Катталар ўртасида ўтган мусобақада 2016 йилги Олимпия уйинлари йўлнамалари учун рейтинг очколар ҳам ўйналди.



Мазкур мусобақада уч нафар спортчимиз — амалдаги жаҳон чемпиони, Осиё уйинлари совиндори Дмитрий Шокин (+87 кг), Осиё уйинлари қолиби, жаҳон чемпионати совиндори Жасур Бойқўзиёв (+87 кг) ва Мустафо Валиев (-58 кг) барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, яна бир спортчимиз — Никита Рафалович вази 80 килограммгача бўлган спортчилар мусобақасида ярим финалга қадар етиб келди ва бронза медал билан тақдирланди.


Ёшлар, ўсмирлар ва пумсе йўналиши бўйича бўлиб ўтган мусобақаларда эса спортчиларимиз 16 олтин, 16 кумуш ва 9 бронза медалини қўлга киритди. Таэквондо ватанида ўтказилган навбатдаги йирик мусобақада Ўзбекистон таэквондочилари жами 45 медалга сазовор бўлди.

Шоҳбоз САИДОВ

БУГУННИНГ ГАПИ

Июль ойининг сўнгги кунлари

ҳамда август ойининг об-ҳавоси қандай бўлади?



Айни кунларда ер юзининг кўпгина ҳудудларида об-ҳавонинг кескин иссиқ кузатишмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ҳам июль ойи биринчи ярмида ҳаво ҳарорати одатдагидан анча юқори келди. Бунинг сабаби кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Қолаверса, июль ойининг сўнгги кунлари ҳамда август ойининг биринчи ўн кунлиги об-ҳавоси қандай келади?

Бу савол билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг етакчи мутахассиси Равшаной АМИРКУЛОВАга мурожаат қилдик.

— Июль ойининг биринчи беш кунлиги ва ўртасида республикамиз ҳудудига Эрондан иссиқ ҳаво оқимининг кириб келиши оқибатида мамлакатимизда жазирама иссиқ бўлди. Хусусан, ҳаво ҳарорати 40-43 даражагача, шунингдек, шимолда, жанубда ва қўл ҳудудларида айрим кунлари ҳарорат 44-46 даражагача кўтарилди. Бундан ташқари, пойтахтимизда бу йилги ёзнинг энг юқори ҳарорати 13-14 июль кунлари қайд этилди. Ушбу кунларда об-ҳаво ҳарорати 41,7 даражагача етди. Бундай иссиқ ҳарорат мамлакатимизда ёз фасли учун максимал ҳароратдир. Марказий ҳудудларда бир-икки кун, яъни қисқа муддат ҳароратнинг 40 даражадан юқори бўлиши деярли ҳар йили кузатилади. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудига жуда иссиқ ҳаво ҳароратининг узоқ муддатли бўлиши кўп учрамайди. Мисол учун, охириги 10 йилни олайлик, ҳаво ҳарорати бу йилгидек юқори келиши 2013 йилнинг июль ойи охири — август ойи бошида, 2011 йилнинг август ойи бошида, 2008 йилнинг июль ойи охири — август ойи бошида кузатишган. Ушбу даврларда мамлакатимиз ҳудудлари бўйича барқарор иссиқ ҳарорат 5-7 кун давомиде меъёрдан 4-7 даража юқори бўлиб, кундуз кунлари ҳаво ҳарорати 40-43 даражага, жанубий ҳудудларнинг баъзи жойларида эса ҳарорат 44-45 даражагача иссиқ бўлган.

Энди июль ойининг қолган кунларида тўхталадиган бўлсак, об-ҳаво ҳароратида катта ўзгариш кузатишмайди. Республикаимиз бўйича ёгингарчилик кутимайди. 30-31 июль кунлари ҳаво ҳарорати кундуз кунлари 36-38 даража атрофида иссиқ бўлади. Август ойининг биринчи беш кунлигида эса ҳаво ҳарорати бироз юқори, яъни 38-40 даража бўлиши кутилмоқда. Бу ёз фаслининг ҳаво ҳарорати меъёрига яқин об-ҳаводир.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкинки, Тошкент шаҳрида максимал ҳароратнинг энг юқори иссиқлик даражаси 44,6 бўлиб, у 1997 йил 18 июлда қайд этилган.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ ёзиб олди.

РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.



АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонн

Телефон:
(0-371) 262-97-78.
Факс:(0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17.
www.avtokran.uz
Email:cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
11156
nussada
bosildi.

Botuvda kelishilgan narxida

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

7 720 10 743 004

1 2 3 5 6